

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТЕВОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 77 (65953)  
1996 йил, 19 октябрь, шанба

Сотувда эркин  
нархда

## Бизга ёзадилар

### МУНЛАҲТАҲЛАР ЛОЛ ҚОЛДИ



Нега дейсизми? Болаларнинг соҳибқирон Амир Темур бобомизни қанчалик севишларига, унинг ҳаёти ва фаолиятини яхши билишларига-да.

Шу йилнинг сентябридан бошлаб Жондор туманининг ҳамма мактабларида «Амир Темур бобомиз ҳаётини урганамиз» мавзuida мактаблараро мусобақалар ўтмоқда. Яқинда ана шундай беллашувларнинг якунийси бўлиб ўтди. Унда Маҳмуд Торобий номли жамоа ҳужалигига қарашли 26-мактаб ҳамда 3-мактаб билимдонлари узаро куч синашдилар. Беллашув давомида болалар Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи сахна куринишлари, кўшиқ ва шеърлар намойиш қи-

лишди. Мусобақаларнинг буюк бобомиз ҳаётига оид савол-жавоблар қисмида 26-мактаб ўқувчилари билимлари кучли эканлигини исботладилар. Шаҳноза Қурбонова, Мунира Кучқорова, Нигора Сафарова, Жаҳонгир Қурбонов, Бахтиёр Тухтамишевлар боболари Амир Темурга бўлган эътиқодларини маҳорат билан намойиш этдилар. Тадбирда иқтидорли болалар ишлаган, соҳибқирон даври акс эттирилган суратлар эътиборни тортди.

Туман мактаблари уртасидаги мусобақа финал қисмида қатнашган ҳар 26- ва 3- мактаб ўқувчиларига Халқ таълими бўлимнинг қимматбахо совғалари топширилди.

**Шоира МҰМИНОВА,**  
Бухоро вилояти, Жондор туманидаги 26-мактаб ўқитувчиси



## БОБОМ ЁДИ

*Бугун юрагимда жўшаётган ҳис,  
Менга мозий варағин очиш буюрар.  
Кўз олдимда гўё шафақмисол нур,  
Адолатли бир шоҳ, буюк зот турар.*

*Интилиб яшайман у ёрқин нурга  
Тилимда, дилимда сизсиз бобожон.  
Номингиз ёд этсам қалбда шуур-ла,  
Сиздан сўнг неларни кўрди бу Турон?!*

*Мана яна Турон узра кўёшсиз,  
Мустақил Ватанда номингиз улуғ.  
Ҳаётда мангусиз, бизларга бошсиз,  
Бобожон муборак номингиз қутлуғ.*

*Мен ҳам аждодингиз, эрка кизингиз,  
Номингизни кўз-кўз қилгум жаҳонга.  
Бобожоним қутлуғ тўйига келган,  
Дунё ҳавас қилсин Ўзбекистонга.*

**Матлуба ИСАЕВА,**  
Қашқадарё вилояти, Усмон Юсупов туманидаги 2-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

Сирғали туманидаги 284-лицей мактабда 2900 нафар ўқувчи билим олади. Лицей 1990 йилда ташкил қилинган бўлиб, Мкрдунян Нина Нерсосовна раҳбарлик қилиб келадилар. Мактабда банклар синфи ташкил қилинган бўлиб, унга шаҳар миқёсида ўқувчилар қабул қилинадилар. Иқтидорли ўқувчилар янги дастур ва фанларни бемалол ўзлаштириб олишди.

— Мактабимиз ўқувчилари «Тонг юлдузи» газетасининг ҳақиқий мухлисларидан, — дейди мактаб дирек-

## «ТОНГ ЮЛДУЗИ»НИНГ ДЎСТЛАРИ ЯНА 400 НАФАРГА ОРТДИ

тори биз билан суҳбатда. — Ҳозирги кунда мактабимизда обуна мавсуми қизгин давом этяпти. Ҳозиргача «Тонг юлдузи»га обуна бўлган ўқувчиларимиз сони 400 нафардан ошиб кетди...

Бу демак «Тонг юлдузи»миз мухлисларининг сони яна 400 нафарга ортди, дегани. Нина Нерсосовна иқтидорли ўқувчилари ҳақида ҳам фахр билан гапириб берди. 8-синф ўқувчиси Акмал Усмоналиевнинг кўплаб хангома ва латифа-

лар машқ қилиши ҳақида гапириб, хангомалари газета саҳифасида эълон қилинса, Акмалжон хурсанд буларди, дея тилак билдирдилар. Қуйида, эътиборингизга Акмал Усмоналиев тўплаган хангомалардан ҳавола қиляпмиз.

### УЗАЙГАН КУН

- Шуҳратжон, бир кун неча соатдан иборат?
- Йигирма беш соатдан, — жавоб қилди Шуҳрат.
- Йигирма тўрт соат, шунинг ҳам билмайсанми?
- Кеча узингиз кун бир соатга узайди, дедингиз-ку!..

### АЙБ ДАДАМЛАРДА

- Бу қанақаси, Камолдин, — сурати ўқитувчи, — 4-синфда фақат «5» баҳога ўқир эдинг, 5-синфда «2» га тушиб қолдинг?
- Дадам бешинчи синфда ўқимаган булсалар менда нима айб?

**Акмал АЗИМОВ.**

### ИСТИҚЛОЛ БОЛАЛАРИ ҚУВОНЧИ

«Истеъдод» ашула ва рақс ансамбли Шурчи туманидаги Ҳамид Раҳимов номли болалар санъат мактабида тузилган. Яқинда ёш санъаткорлар «Истиқлол — болалар қувончи» деб номланган янги дастур тайёрлашди. Томошабинларга болалар ижросидаги халқ оғзаки ижоди намуналари гоёг маъқул бўлди. Кичкинтойлар жамоасига Орзикул Нуриддинов устозлик қилмоқда.

Гулистон шаҳар ёш томошабинлар театри жамоаси «Жонимни берайин, болажон» деб аталувчи томошани тақдим этдилар. Иқтидорли режиссёр Тухтамишев Тошев сахнага олиб чиққан спектаклда тенгдошларингизнинг бегубор дунеси, уларнинг ички кечинмалари, ҳаётга бўлган қизиқишлари акс эттирилади. Асосий ролларни

### Гўзаллик оламида

театрнинг ёш иштирокчилари — мактаб ўқувчилари ижро этмоқдалар.

### ИСТЕЪДОД ГУНЧАЛАРИ ХИРОМИ

Навоий шаҳар «Фарҳод» маданият саройида «Соната» болалар рақс ансамбли бор. Яқинда жамоа аъзолари «Истеъдод гунчалари хиромии» деб номланувчи дастур тайёрладилар. Ундан ўзбек, рус ва шарқ халқларининг жозибали рақслари урин олган. Томошабинларга айниқса «Бирга уйнайлик», «Чамандоғи гулларимиз», «Истиқлол болалари» каби уйинлар маъқул бўлмоқда. Ёш рақс ва раққосаларга Татьяна Худякова раҳбарлик қиляпти.

**Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.**

## ЮТУҚЛАРНИНГ КАЛИТИ АХИЛЛИКДА

Севара папкасидаги китобларларини яна бир бор кўздан кечирди-да, кучага чиқди. Бироз юргач дугоналари Нилуфар, Нафосат ва Зилолаларни ҳам чақирди. Дугоналар биргалашиб, мактаб сари йўл олишди. Йўл-йўлакай фанлардан уйга берилган вазифаларни ким қандай тайёрлагани ҳақида гаплашиб боришди. Нилуфар расм дарсидан уйчаннинг расминини чизибди, Зилола эса табиат манзараларини, парвоздаги қалдирғочларни жуда ухшатибди...

— Қизлар, адабиётдан уйга берилган «Широқ» ва «Тумарис» асарларини ким ўқиди? Менга тушунтириб беринглар, — деди Нилуфар қизлардан илтимос қилиб, — Кеча уйимизга меҳмонлар келиб қолиб, китоб ўқишга қўлим тегмаганди. Севара дугонасига ўқиганларини сузлаб берди.

— Жуда ҳам мард, жасур аёл бўлган экан-а, Тумарис, — деди уйга чумган Нилуфар. — Қани энди мен ҳам Тумарисдек бўлиб қолсам, дунёдаги уруш оловини ёқувчи ҳамма ёмон одамларни зиндонга ташлаган булардим, миллатлар орасидаги урушларга йўл қўймасдим. Шу алфозда қизлар гурунглашиб мактабга қандай етиб келганларини ҳам билмай қолишди.

Бу ахил дугоналар Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги 9-мактабнинг 5 «А» синфида ўқишади. Уларнинг синфи мактаб буйича энг аълочилари кўп бўлган синф саналади. Ютуқларининг боиси эса ахилликда экан. Севара Эшниевова, Нилуфар Мусаева, Зилола Бекназарова, Нафосат Мусаева сингари аълочи қизлар қолақ ўқувчиларни уз ҳолига ташлаб қўйишмайди. Аксинча, кулларида келганча қумаклаштишади.

Айни кунларда дугоналарнинг уйдаги юмушлари ҳам кўпайиб қолган. Оналар, опалари пахта термига чиқишади. Укаларига қарап, уй-рузгор юмушларининг бари қизалоқлар зиммасида. Улар фақат аълочи қизлар бўлиб қолмай уй-рузгор ишларида ҳам ўқувчи эканликларидан юмушларининг барига улгуришяпти.

**Ойгул УБАЙДУЛЛА КИЗИ.**



Муҳайе билан иқтидорли болаларнинг 5-Республика слетида танишиб қолдик. Бошида зардузи дуппи, устида зардузи халаг, қулоғида зардузи сирга. Муҳайе Раҳмонова, Қашқадарё вилояти, Китоб туманидаги лицей мактаб интернатининг 10-синфида ўқиркан.

— Зардузлик санъати билан қачондан бери шуғулланысиз? — деб сурасам, тўрт йилдан бери, — деди у. Ундан олдин ҳам узимча матога гуллар тикиб юрардим. Узим мактаб интернатда тугарак очганман. Ҳозирча 12 нафар қиз шу санъатта ихлос қўйишган. Келажақда бу тугарак аъзолари билан биргаликда кичик корхона очиб, уз ҳунари-

## ИСТИҚЛОЛНИНГ АКСИ БОР

мизни омалаштириш ниятимиз бор. Онам Салима Раҳмонова уста зардуз. Вилоятда, мактабда булган мусобақаларда биринчи уринни олганларимда бир дугонам, «биламан, онангни ҳурмат қилиб сенга биринчи урин беришган» деганди. Шундан бери кўнглим бироз гаш эди. Пойтахтда ишларимни юқори баҳолашгач, ёзилдим. Қаранг, мана бу туй боланинг чопонини...

Муҳайенинг қулидагига қарайман. Беихтиёр унинг муъжиза, ҳақиқий муъжиза яратаётганига тан бераман. Мақтагим келиб кетади. У эса сузимни булиб, «Ватанимни, унинг тоғу тошларини, чулсаҳроларини, боғу-бўстонларини яхши кураман», — дейди.

Сен тиккан либосларда ҳам истиқлолнинг акси бор, Муҳайе!  
Пок, бегубор ниятинг, узинга доимо ҳамроҳ бўлсин, сингилжон!

**Феруза ОДИЛОВА.**

Суратда: Муҳайе онаси Салима опа Раҳмонова билан.

Дарслар тутаганидан сўнг уртоқларим билан ёнгоқ уйнашини одат қилиб олгандик. Уйга кеч борганим учун ойим койисалар, — «Қушимча дарс бўлди», — деб қутулардим. Уйинимиз қизигандан қизиётганди. Аммо бир кунни жуда хунук воқеа содир бўлди. Бахтиёр мендан ютқазиб қуяётганлиги учун

### Ўқиб хулоса чиқаринг

тиб қолдим; Хонада Бахтиёр ва унинг онаси Замира опа утиришарди. Мен уларга салом бердим. Саломимга Замира опадан бошқа ҳеч ким алик олмади. Ойим эса менга бир қараб қўйдилар-да, индамасдан туриб кетдилар. Дадам томоқларини қириб олдилар-да «Утир!»-дедилар. «Ҳуш, нима ишлар қилиб юрибсиз, угил бола?» — сурадилар сўнг пичинг аралаш. Дадамнинг, жаҳллари чиққанида мени «сиз»лаб гапирардилар. «Қани, айтинг!» Мен. «нима булса, бўлди», — деб бошимни эгиб жим утиравардим. Шунда ораимизга Замира опа тушдилар. «Қўйинг, болани урушманг». Эртага ҳаммасини мактабда ҳал қилармиз». Эрталаб дадам билан мактабга бордик. Кейин Бахтиёр билан Замира опа келишди. Синф раҳбаримиз бизни директорнинг олдига олиб кирдилар. Бизни деб синф раҳбаримиз директордан гап эшитдилар ва бизни синфдошларимиз орасида роса уялтирдилар. Зиёдулла бувоқсани сузларкан, Бахтиёр билан ярашиб олганини ҳам айтди. У Паркент туманидаги 34-мактабда ўқиркан, Зиёдулланинг уйиндан ҳам, узаро беллашувлардан ҳам эзгулик қидириб топиш кераклигини англаб олганини ҳис қилдим-да, уни сизларга таништиргим келди.

Озода ТУРСУНБОЕВА.

— Мактабимизда тўрт йилдирки «Мумиё» болалар ташкилоти уз фаолиятини курсатиб келаяпти. Бу ташкилот уч гуруҳга бўлинган. Бошланғич синфлар учун — «Кичкинтой», урта синфлар учун — «Қувноқ ёшлар», юқори синф ўқувчилари учун эса «Ёш ижодкорлар» гуруҳларидир. Болалар ташкилоти ўқувчи давомати,

тозалаш корхонаси ҳамкорлигида тикув цехи очдик. Цехимизда ўқувчиларимиз турли сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқдалар. Бу маҳсулотларни аввало мактабимизга, кўп болали оилалар фарзандларига, ортгани ташқарига чиқарилаяпти. Оталиқ ташкилотимиз қошидаги болалар боғчасида мактаб-боғча синфини очдик.

### Устоз минбари

қалбига яхшилик уругини сочиш мақсадида «Омон ёр» ансамблини ташкил этдик. Унга ўқувчилар билан биргаликда ўқитувчилар ҳам аъзодирлар.

Мактабимизда қилинаётган ва қилиниши керак бул-

## БОЛАЛАРНИНГ КАМОЛИ ЙЎЛИДА

ўқиши, қизиқишига қараб тугаракларга жалб қилиш ишлари, хуллас мактабда буладиган ҳар бир тадбирларни утказишни уз зиммасига олган.

«Маҳалла, мактаб, оила» ҳамкорликда ишларини йулга қўйганмиз. Тугрисини айтсам, бу ҳамкорлик узининг ижобий натижасини берапти. Агрофимиздаги «Ҳаёт», «Гулистон», «Янгиариқ» маҳалла фаоллари билан узаро шартнома туздик. Болаларимиз куча — куйларда юриб, вақтларини бекор утказишмайди. Улар учун мактаб қошида бир қанча тугараклар ишлайди. Жумладан, миллий каштачилик, дурадгорчилик, зардузлик кабилар. Бундан ташқари оталиқ ташкилотимиз булмиш Навоий пахта

Болалар бу ерда билим оладилар, уйнайдилар, турли тугаракларга қатнайдилар, дам олиб, кечгача мактаб-боғчада буладилар. Уларнинг атрофида тажрибали, меҳрибон муаллиму мураббийлар парвона.

Маълумки, соғлом келажақ учун, соғлом болалар керак, албатта. Бу борада ҳам мактабимизда бир қанча ишлар қилиняпти. Масалан, мактаб қошидаги «Шухрат» номли қувноқлар гуруҳи бор. Бу гуруҳ аъзолари Республика телевизион «Қувноқ стартлар» уйнида 3-4 маротаба иштирок этишди.

Халқимизда ишлаган одам, дам олишни ҳам билиши керак, дейишади. Фарзандларимизни санъатга жалб этиш, улар



ган ишларнинг ундан бири, холос. Болаларимиз дунёда булаётган ишлардан хабардор бўлмоқлари лозим. Бунинг учун эса газета-журналлар уларнинг доимий ҳамроҳлари, маслаҳаттуйи булиши керак. Ана шундагина болаларимизни ҳар томонлама етук дея оламиз. Биз ҳам бу борада ўқувчиларимизни иложи борича «Тонг юлдузи»га обуна булишларига ҳаракат қилаяпмиз.

**Иззатилла ЮСУПОВ —**  
Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги Шароф Рашидов номли 10-мактаб директори.

**Ёнгоқ уйнаб ютқазди**

ми, гирром қила бошлади. У менинг ёнгоқларимни оёғи билан чақиб юборди. Жаҳлим чиқиб, Бахтиёр билан олиша кетдим. Болалар бизни ажратмоқчи булиб анча уринишди, лекин улдасидан чиқиша олмадилар. Биз роса дўшосландик. Иккаламининг ҳам уст-бошимиз чанг-тупроқ булиб кетганди. Қарасам, Бахтиёрнинг куйлагини йиртиб юборибман. Бахтиёр эса: — Энди ойимларга нима дейман, — дея пиқиллаб йиғлаб юборди. Мен Бахтиёрнинг йиғлаганини куриб, узимни голиб деб гердайдим. Бу ҳам етмагандай, уйга кетаётганимда Бахтиёрларнинг ойнасини синдириб қочдим. Кўнглимдаги иш булгандай, уйга хурсанд булиб кириб бордим. Уйда ойим ҳам, дадам ҳам йўқ эдилар. Уларнинг йўқлигидан фойдаланиб, апил-тапил овқатландим-да, яна маҳалламиз болалари билан ёнгоқ уйнашга чиқиб кетдим. Кечгача терлаб-пишиб ёнгоқ уйнаб, иккала чунтагим ёнгоққа тулиб, қуёш ботганда уйга кириб келдим. Ичкарига кирдим-у, қо-

## САХИЙЛИК

Ибрат

Бир кишининг Саид исми угли бор эди. Отаси ҳар кун мактабда таом олиб смок учун ун тийин пул берар эди. Бир кун мактабга кетаётганда, бир фақир одам йулиқиб.

— Углим, икки кундан бери очман. Таом олиб ей десам устимдаги йиртиқ чакмондан бошқа ҳеч нарсам йўқ. Бир оз пулинг булса, савоб топардинг, — деди.

Саид фақирнинг сузига тоқатсиз булиб, ҳолига раҳми келиб, отаси берган ун тийин пулни фақирга берди. Фақир бу еш Саиднинг қилган шафқату марҳаматига офарин қилиб, йиғлай-йиғлай дуолар қилиб кетди. Саид уша кун узи оч қолса ҳам, очлигини ҳеч кимга билдирмай, сабру қаноат ила утказди. Мактабдан озод булиб, уйга борган заҳоти қилган ишини отасига сузлади. Отаси ҳам «сахий Саидим», деб хурсанд булиб дуо қилди. Бундан кейин Саидга ҳар кун йиғирма тийиндан беришга ваъда қилди. Саодатлик Саид отаси берган йиғирма тийиннинг ун тийинини еб, бешини фақирларга бериб, бешини йиғиб, тезда бойиб кетди.



Биз «Тонг юлдузи»га обуна булдик. Сиз-чи?

— Ҳеч хафа булганмисан, Комилжон?  
— Синфдошларимдан бири «чулоқ» деганда.  
— Қачон жудаям хурсанд бўлиб кетгансан?  
— Узимга ухшаган уртоқларимни курганда.  
— Улар ҳам ногирон эканлиги учунми?

## ЎЗИМГА

— Йўқ.. Улар менга ачиши билан қарамаганлари, «биз албатта тузалиб кетамиз» дейишгани учун.

— Истагинг нима?  
— Тезроқ тузалиб кетсам, спортчи булардим.

Саккиз ёшли Комилжон яна кўп истакларини айтди. «Юртимиз тинч булсин, уруш булмасин, тинчлигимиз ҳақида жон куйдираётган юртбошимиз омон булсин,» деди. Ундан: «Бугашларни сенга тарбиячиларинг ургатдимми?» деганимизда «Нега менга биров ургатаркан, агар тинчлик булмаганда биз ногиронлар ҳақида эслашармиди?» деди.

Айтгандай, Комилжон бу ерга — пойтахтимиздаги 100-сонли ногирон болалар махсус мактаб-интернатига келишидан олдин ҳам ҳозиргидай биринчида уқирди. Бунинг эса уз тарихи бор.

Комилжон етти ёшга тулганда мактабга олиб бориш-

ди. У дастлаб жуда хурсанд булди. Аммо синфдош дўстлари билан баробар югуриб, уйнаб юра олмасди. Ҳадеб узини четга тортарди. Уртоқлари: «Майли, сен томоша қилиб тура қол, барибир югура олмайсан» дея уйиндан четлаштиришганда ич-ичидан эзиларди. Бир куни у ойисига: «Ойижон, булди энди мактабга бормайман, ёмон болалар мени «чулоқ» деб масхара қилишди» деб ҳиқиллади.

## ЎХШАГАН



Онаизор қанчалик юпатишга уринмасин, қор қилмади. «Мени докторга олиб боринг, ҳаммасига чидайман, оёғим тузалса булгани, уқинни кейин давом эттираман,— уjarлық қилди у. Онаси уни яна шифокорга олиб борганда эса у ерда Комилжоннинг узоқ даволаниши зарурлигини айтишди. Касалхона... муолажалар...

Комилжоннинг мактабга

бормай қуйганини эшитган тоғаси жуда хафа булди. Сураб-суриштириб Тошкентда ногирон болалар учун махсус мактаб-интернат борлиги, уерда болалар ҳам уқиб, ҳам даволаниши мумкинлигини билгач, жиянини шу ерга олиб келди. Махсус тиббий комиссия обдон текширувдан утказгач, мактабга йўланма берди.

Мана, бугун Комилжон шод хандон. Эғнида уқувчилар либоси. Бу ерда ҳам уқиб, ҳам даволанапти. Узи тенги болалар билан дўстлашиб ҳам олган. Меҳ-

рибон шифокорлар, муаллимлар Комил сингари болаларнинг дардига малҳам булишга ҳаракат қилишяпти. Улар чехрасидаги синикликни бахтиёрликка айлантиришга уринишмоқда.

— Интернатимизда 250 дан зиёд бола таълим олиш билан биргаликда даволанишади ҳам,— деди мактаб-интернат директори Илмира Мухамедбоева. — Бу ерда улар учун ҳамма шароит

## Болаларга қайғурмоқ — келажакка қайғурмоқдир

етарли. Уқув корпуси, опхона, ётоқхона алоҳида. Турт маҳал иссиқ овқат, икки маҳал нонушта, баҳорги ва қишки мавсум учун мактаб формаси берилди. Лингафон, инглиз тилини урганиш, компьютер хоналари мавжуд. Янгидан қишинёзин ишлайдиган ҳовуз ва спорт комплекси курилмоқда. Яқинда Асакада ишлаб чиқарилаётган «Дамас» автомобилларидан бири мактаб интернат ихтиёрига берилди.

Бу ердаги уқувчиларнинг дунёқарашини устириш, билимларини бойитиш, она юртга

## ЎРТОҚЛАРИМ

муҳаббатни янада ошириш мақсадида турли танловлар, мусобақалар утказилмоқда. «Балли қизлар», «Балли йигитлар», «Қувноқ стартлар», «Она тилимиз — бойлигимиз» тадбирлари болаларни ниҳоятда қизиқтирмоқда. Муҳими, ногирон болалар берилаётган эътибордан уларини бошқаларга керак эканликларини ҳис қилиб яшамоқдалар.

**Муҳаббат МАКСУДОВА.**  
**ТАҲРИРИЯТДАН:** Азиз газетхон! Юқоридаги қисқа мақоламиздан пойтахтимиздаги 100-сонли ногирон болаларнинг махсус мактаб-интернати борлиги, унда турли сабаблар билан

жисмонан нуқсонли бўлиб қолган болаларни ҳам ўқиб, ҳам даволанишлари, спорт билан шуғулланишлари учун яхши шароитлар яратиб берилгани, умуман улар ҳам келажакда хур Ўзбекистонимизнинг етук инсонлари бўлиб етишишлари учун ҳаракат қилаётганини билиб олдингиз.

Республикамизда ягона ушбу мактаб-интернатда болажонларга янада яхшироқ хизмат кўрсатиш, бу ердаги шифокору, муаллим ҳамшираларга, ўқитувчи, тарбиячи, энага ва бошқа меҳридарё инсонларни меҳнат, дам олиш шароитларини янада яхшилаш учун оталиқ ташкилотларнинг ёрдами бўлса фойда-

## БОР

дан ҳоли бўлмасди. Шу сабаб ҳам бу муассаса билан қизиққан, ўзининг саховатпешалик ёрдамини кўрсатиш истагида бўлган инсонлар учун қуйидаги манзилгоҳни эълон қиламиз.

*Тошкент шаҳар,*  
*Собир Раҳимов тумани, 2-Чимбой кўчаси, 115-уй.*  
*Саноат қурилиш банки*  
*телефонлар 46-09-33*  
*46-72-34*  
*Ҳисоб рақами 014130052*  
*МФО 172611390*  
*мактаб-интернат N100*

**Ассалом меҳрибоним!**  
**Қаерлардасиз, соғ-саломат юрибсизми? Агар саломат бўлсангиз нега ёнимга келмаяпсиз? Сизни шунчалар соғиндимки. Ойи, дадамлар ҳозир қаерда? Охириги марта келганларида «сенга қўғирчоқ олиб келаман» деб ваъда бериб кетувдиллар. Агар уларни кўрсангиз, айтинг мен энди**

## МЕНИ ОЛИБ КЕТИНГ, ОЙИЖОН!

**қўғирчоқ уйнамайман. «Катта қиз бўлиб қолибди» денг. Шундай десангиз улар севинадилар. Улар менга «Қачон катта қиз бўлсанг, кейин ҳаммамизга яхши бўлади» деганлар. Ойижон, бизга бу ерда ҳамма яхши нарсаларни беришади, яхши гапириб кўнглимизга қарашади. Лекин... Сиз бошқа жойда, дадам бошқа жойда, мен бошқа жойда. Агар учовимиз ҳам илгаригидек бир жойда яшаганимизда қандоқ яхши буларди!**

**Ойижон, мен ҳаммасини эшитдим.. Зоя опамлар сизга «ҳалиям бўлса олиб кетинг қизчани, бу ерда сиз билан бўлганчалик бахтиёр бўлолмайди» дептилар. Сиз «мен—ку олиб кетардима, лекин угай отаси уйга сиғдирмайди деб кўрқаман» дебсиз. Кейин Зоя опа дадамнинг ишхоналарига кўнғироқ қилибдиллар. «Угай онанинг**

**қарғишини эшитгандан кура, уша ер тинчроқ унга» дебдиллар дадам. Наҳотки, энди икковларингизгаям керак бўлмасам?!**

**Ойижон, жон ойижон, мени бу ердан тезроқ олиб кетинг. Майли, уша сиз билан яшаётган кишининг кўзларига кўринмайман. Фақат сиз билан бирга бўлсам, дейман. «Асалим, дўмбоғим» деб эркапамасангиз ҳам майли. Сизга ҳеч ҳалақит бермайман. Сизни хафа қилмайман. Бу ердачи, анча—мунча ишларни урганиб олганман, кир ювишним, тугма қандашним, дазмол қилишним биламан. Фақат, мени олиб кетинг, бу ердан. Сиз «қизим у ерда анча қийнапиди—да» деб уйламанг. Йўқ, йўқ.. Бу ерда бизни жуда—жуда авайлашади. Лекин мен сизларни соғинаман, сизларни кутаман, ойи!**

**Сизни соғиниб ДИЛДОРАНгиз.**

Салом, бормисиз дада!

Эсимда, оймларнинг айтишича мен туғилганда уйимизда катта туй бошланибди. Сиз суянганингиздан ҳамма таниш-билишларингизни уйга чақириб зиёфат қилибсиз. Икки-уч ёшимгача мени ардоқлаб, еруқукка ишонмай устирибсизлар, оғзимдан чиққан ҳар сузим у ёқда турсин, ҳар битта ҳатти-ҳаракатимгача сизларни беҳад қувонтираркан.

Кейин... Кейин ҳаммаси узғариб кетди. Уйимизда катта жанжал булган кунни элас-элас эсламан. Ушанда сиз оймга «узинг ҳам керак эмас, боланг ҳам керакмас, йўқол уйдан» деб ушқирдингиз. Шунда ойм, «Ҳо, бола керак деб мени етти йил докторма-доктор сарсон қилдингиз, ана узингиз боқиб олинг болани» деб мени сиз томон итардилару, уйдан чиқиб кетдилар. Сиз эса менга қиё ҳам боқмай ётоқхонага кириб, эшикни ичидан беркитиб олдингиз. Елғиз узим йиғлаб-йиғлаб полда ухлаб қолибман...

Яхшиям эрта тонда бувим келиб қолдилар. Менинг юз-қулимни ювиб, кийинтира бошладилар. Шунда ичкаридан куларингизни уқалаб, сиз чиқиб келдингиз. Бирдан бувимларга қараб «Тегманг болага. Унга узим қарайман, қани жунанг» деб эшикни курсатдингиз. Бувим менга турмила-турмила базур чиқиб кетдилар. Мен ҳам бувимнинг орқасидан талпингандим, қулимни қаттиқ қайириб ташладингиз. Сунг, шу кунлик, бу ерга келтириб қуйиб келдингиз. Гудак қалбим

## МЕН СИЗГА КИММАН, ДАДАЖОН?

билан сизни тушунгандек булдим: «Кейин жажларидан тушса: келиб олиб кетадилар» деб уйладим. Аввалига ойм ҳам, сиз ҳам тез-тез келиб турдингизлар. Сунг негадир бу ердан оёғингиз узилиб қолди. Эшитсам уйланибсиз. «Энди келмайдилар» дедиму, лекин кутаверардим. Кейин яна эшитдим, фарзандли булибсиз. Энди ҳеч қачон келмайсиз деб кутмай қуйдим. Уша кунларнинг бирида бир олам совға-салом билан яна келиб қолдингиз. «Улмас, имтиҳонларингни яхши топширсанг, бу ердан олиб кетаман» дедингиз. Теримга сигмай қувондим. Сизни уялтириб қуймай, деб турт кечаю-кундуз деярли ухламай синовга тайёрландим. Ҳаммасидан «аъло» булди. Яна шунча кун ухламай сизни кутдим, дада. Келмадингиз...

Кейин ҳамма гапни эшитдим. Ушанда чиндан ҳам олиб кетмоқчи экансиз. Лекин буни сезган хотинингиз (угай онамиз) роса жанжал кутариб уйдан кетмоқчи булибди. Шунда сиз «у менинг углим эмас, бир қариндошимнинг угли»,— дебсиз.

Дадажон!

Қанча йиллар утди. Яқинда ун саккизга туламан, Ҳадемай ҳарбий хизматга чақиринишди. Бегона жойларда икки йил жуда узоқ қузилса керак. Мен худди шу кунларда... «углим» деб қучоқ очиб келишингизни истаيمان. Ё ҳалиям мен «қириндошингизнинг угли»—манми? Ҳалиям ҳақиқатни беркитиб юрибсизми, дада? Айтинг, мен сизга кимман, дадажон!  
**Сизнинг ЎЛМАСингиз.**



Инсоннинг қандай яшаб, қанча умр кўриши, не кунларни бошдан ўтказиши, туғилмасдан илгарироқ унинг пешонасига ёзиб қуйилармиш. Инсоннинг ўзи эса баъзан бошига тушажак кўруликларни ўзининг яхши феъли билан яхшиликка ва аксинча ёмон олатлари билан ёмонликка айлантириб юбориши мумкин экан. Уқинг дўстим, меҳрибонлик уйдан юборилган бу мактублар балки сизга ҳам тинчлик бермай, оромингизни ўтирлар? Натижалда, кендик бағирларини тўлдирингиз охиқарсиз ва фикр-мулоҳазаларингиз билан газета орқали ўртоқлашингиз шониларсиз...

Кимки Муҳаммад Мустафо динини қўллаб қувватласа, сен ҳам уни қўлла. Кимки Муҳаммад Мустафо динини хор қилса, сен уни зор қил.

\*\*\*

Кимки сенга дўстлик қилса, дўстлиги қадрини унутма. Унга мурувват, эҳсон, иззату-икром кўрсат.

\*\*\*

Кимнинг ақл-шижоатини имтиҳон тарозусида тортиб кўрсанг уни тарбия қил.

\*\*\*

Кундузлари тажрибали ва доно кишилар билан мамла-



назар ташланглар, кейин ёв ўстига от суриглар.

\*\*\*

Агар бирон ишни қилмасликка сўз берган булсанг, унинг яқинига борма.

Агар подшоҳ золим булиб, вазири одил булса, подшоҳнинг жабр-зулмини тухтатиш чора-тадбирларини куради. Агар вазир золим булса, салтанат ишлари тез кунда заволликка юз тутди.

\*\*\*

Агар сизлар тарқоқ ҳолда булсаларингиз, (душманлар) худди ҳовузга шунгигандай, қондарёларингизга шунгигидилар.

\*\*\*

Агар фикрингиз иттифоққа келиб, орзу ҳавасингиз бир булса, фарзандларингиз улгайиб, душманларингиз мағ-



## ТАНБЕҲЛАРИ

катларни забт этиш шатранжи устида бош қотир. Кечалари эса мамлакат ишларини юргизиш хусусида фикр қил.

\*\*\*

Курашмай эришилган галаба—галаба эмас.

\*\*\*

Куп нарсани билиб турсанг ҳам, узингни билмасликка сол.

\*\*\*

Лашкарни атрофингда туллаш учун баъзиларга мурувват, меҳрибонлик кўрсат. Бошқалари билан келишишга интил.

\*\*\*

Маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик ва ҳушёрлик билан иш тут. Аввал диққат билан (теварак-атрофга)

Агар душманинг меҳр-шафқат, мурувват, хайр-эҳсонингни курса-ю кейин яна душманлик йулини тутса, уни Парвардигори оламнинг ҳукмига топшир.

\*\*\*

Агар душманинг паноҳинга бош уриб келгудай булса, яхшилик қил, (унга) мурувват кўрсат.

\*\*\*

Агар икки хатарли ишни қилишга тўғри келса, (лекин) иккаласидан ҳам қутулиш чораси топилмаса, унда бир хатарлисини ихтиёр қил.

\*\*\*

Агар мамлакат ҳокимсиз қолса, унга зарар-зиён етади, ҳол-аҳволида фахш юз беради.

луб буладилар.

\*\*\*

Адлу инсоф билан жаҳон гулшани обод булади.

\*\*\*


Адоват эмас, адолат керак:

\*\*\*

Одиллик билан иш тут.

\*\*\*

Адолату инсоф билан Тангри бандаларини узингдан рози қил.



## ТЎҒРИЛИК

Бир кампирнинг уйида бир туп балх тути бор эрди. Ниҳоятда тўғри усган эди. Бечора кампирнинг шул тутдан ёшқача ҳеч нарсаси йўқ эди. Пишган вақтда қурутуб олуб, бордонга солуб, бойларга тортиқ қилуб, пул олуб, бутун авқотининг тут сотуб утка-рур эди. Бир кун ул шаҳарнинг подшоҳи бир айвон солмоқчи

булуб, устун охтарганда кампирнинг тути тўғри келди. Подшоҳ тутни минг олгунга сотуб олди. Бечора кампир бой хотин булуб қолди. Бир кун тутни курғали борди. Курдики, тути жаннат каби бир айвон уртасида турубдур. Кам-

пир тутига қараб дедики:

Эй, тутим, тўғрилигинг қилди бизи давлатга ер, Эгри булсанг, сен утун булғай эдинг, мен хор-зор. Тўғрилар жаннатнинг айвониндадур. Уғрилар ранжу алам конидадур.

### ТОПИШМОҚЛАР

Ер бағирлаб ўсади,  
Эгри-бугри гавдаси.  
Дарахт, қизиқ гулламай,  
Ҳосил берар навдаси.  
Меваси қора, сариқ,  
Ичида гиж-гиж тариқ.  
Тотлидир уни есанг,  
Сут чиқар баргин узсанг.  
Нима экан Жаҳонгир,  
Топдим, топдим, бу...!  
\*\*\*  
Удаврада ўтирса,  
Ости пулат кўрнача.  
Юрагимда ўт ёнар,

Тагин деманг печкача.  
Меҳмон келса меҳмондўст,  
Хизмат қилар пишиллаб.  
Икки қўлу тўрт оёқ,  
Ўйланг чойдан бир хўплаб,  
Ие топдим, — дер Анвар,  
қайнаб турган...!  
\*\*\*

Духобага ўралиб,  
Етилар олгинланиб.  
Кессангиз тилик-тилик,  
Паловда хил-хил илик.  
Боғ оралаб топ Меҳри,  
Топдим, топдим, бу ...

Тоҳир МУЛЛАБОВ.

## МИТТИ ЮЛДУЗЛАР ШУЪЛАСИ



Шайхонтоҳур туманидаги Й. Охунбобоев номли Ўсмирлар ижодиёт марказига санъатта, муסיқага, ҳунар ўрганишга ихлосманд кўлаб ўғил-қизлар қатнашади. Марказда муסיқа, рақс, бичиш-тикиш, наққошлик, дурадгорлик каби 30 га яқин тўғарақлар мунтазам ишлаб турибди. «Ёш ижодкорлар» тўғарагида адабиётга, шеърятга меҳр қўйган ёшлар жамланган. Яқинда Шайхонтоҳур тумани халқ таълими билан ҳамкорликда туман мактаб ўқувчилар ўртасида «Ёш шоирлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Кўриқда 30 дан зиёд ёш ижодкорлар қатнашиб, Ватан ва она мадҳини тараннум этувчи шеърини машқларидан намуналар ўқиб беришди. Кўрик иштирокчиларининг шеърини машқларини жамлаб, «Митти юлдузчалар шуъласи» номли китоб тайёрланганидан бўлди. Куйида ёш ижодкорлар шеърларидан намуналар ўқийсиз.

### ОНАЖОН

Сиз мулойим ойимсиз,  
Қалби тошқин сойимсиз,  
Гузаликка бойимсиз,  
Онажоним — онажоним!

Қалбимда йўқ ташвиш, гам  
Яхшиларга мен ҳамдам,  
Бахтимга булинг бардам,  
Онажоним — онажон!

Йил қувиб, йиллар утди,  
Бошимга осмон етди.  
Меҳрингизга шеър битдим,  
Онажоним — онажон!

Дилноза ЁҚУБОВА,  
115-мактаб ўқувчиси.

### САБОГИНГИЗ ТИНГЛАГАНИМДА

Қалбимга кирар ажиб бир,  
меҳр,  
Гузалик бор гўеки бунда.  
Рухланаман бордек бир сеҳр,  
Сабогингиз тинглаганимда.  
Куз олдимда олам юз очар,  
Ҳавас оқиб кирар кунглимга.  
Билимларга ихлосим ортар,  
Сабогингиз тинглаганимда.  
Илҳом берар менга сузингиз,  
Маъно билан боққан кузингиз,

Устоз булгим келади жуда,  
Сабогингиз тинглаганимда.  
Умида БОБОЖОНОВА,  
141-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

### ВАТАН

Боғу бустоним,  
Эй, гулистоним.  
Сенсан қувончим,  
Ўзбекистоним!


Бағрингдадурман,  
Енимдадурсан,  
Ҳам қалбим, таним,  
Жонимдадурсан.

Куйлайди ҳар он,  
Мадҳингни забон.  
Томирда оққан,  
Қонимдадурсан.

Яшна обод юрт,  
Халқи озод юрт,  
Камол топ ҳар дам,  
Булма барбод юрт.

Мардона халқим,  
Дурдона халқим,  
Сенга дил мадҳи  
Ягона халқим.  
Боғу бустоним,  
Эй, гулистоним,  
Сенсан борлигим  
Ўзбекистоним!

Саодат ХЎЖАЕВА,  
141-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.



### КУФИРЧОҒИМ ОППОҒИМ



ТОНГ ЮЛДУЗИ  
Ўзбекистон болалари ва  
ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир  
Умида  
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:  
Наримон ОРИФЖОНОВ,  
Омон МАТЖОН,  
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,  
Марат ШАФИЕВ,  
Феруза ЖАЛИЛОВА.

ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г -0578. 7691 нусхали босилди. Қоғоз бичими — А-3. Боснига топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30.

• Руйхатдан ўттиш тартиби № 000137  
• Маъзилар: 700083,  
• Тошкент шаҳри,  
• Матбуотчилар кўчаси,  
• 32-уй.  
• Нашр кўрсаткичи: № 64563  
• Телефон:  
• 33-44-25